

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ЎТКАЗИШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН Қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик, шунингдек, ташқи сиёсат соҳаларида — мамлакат мудофаа қобилиятини, фуқаролар ўртасида ва динлараро тинчлик ҳамда тотувлини мустаҳкамлашга, ташқи сиёсат соҳасидаги фаолият самарадорлигини янада оширишга йўналтирилган ислохотлар тўғрисидаги жамоатчилик фикрини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

б) фуқаролар дунёқарабини шакллантиришнинг асосий йўналишларини, уларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий, ҳуқуқий онги ҳолати ва мазмунини белгилаш, аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий маданияти даражасини ўрганиш ва уларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш;

в) ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳолати ва динамикаси тўғрисида, аҳолининг ижтимоий фикри ҳақида ишончли ахборотни тарқатиш;

г) хорижий тадқиқотчилик амалиётида фаол фойдаланиладиган ва замонавий ахборот ёндашувларига таънадиган социологик тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш техникаси ва технологияларини ишлаб чиқиш, мослаштириш, татбиқ этиш ва уларнинг кенг усулларини қўллаш, жамоатчилик фикрини ўрганиш методологик асосларини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш.

3. "Ижтимоий фикр" маркази, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг:

"Ижтимоий фикр" маркази томонидан Таъсисчилар кенгаши томонидан ҳар йили маъқулланган социологик тадқиқотлар режасига мувофиқ социологик тадқиқотлар ўтказиш тартибини сақлаб қолган ҳолда "Ижтимоий фикр" марказининг раҳбар ва илмий ходимларига бюджет маблағлари ҳисобидан фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишлар илмий-техник дастурларини амалга оширишда иштирок этадиган илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш миқдорлари ва шартларини, Марказнинг бошқа ходимларига эса Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига идоравий мансуб муассасалар учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларини татбиқ этиш;

"Ижтимоий фикр" марказини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан таъминлаш тартибини жорий этиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига ҳар йили "Ижтимоий фикр" марказининг бюротномаолирига кўра марказнинг асосий вазифаларини амалга ошириш бўйича тадбирларни молиялаштириш учун зарур маблағларни кўзда тутиш тавсия этилсин.

4. "Ижтимоий фикр" маркази томонидан ўтказилган социологик сўров натижаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида мунтазам муҳокама қилиш ва улар бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш амалиётга жорий этилсин.

Белгилансинки, "Ижтимоий фикр" маркази томонидан ўтказилган социологик сўров натижалари оммавий ахборот воситалари, марказий давлат телеканаллари, босма нашрлар ва Марказнинг веб-сайтида доимий ёритиб борилиши зарур. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Ижтимоий фикр" маркази билан биргаликда икки ҳафта муддатда социологик сўровлар яқунларини ёритиш мақсадида "O'zbekiston 24" телеканалда доимий фаолият юритадиган "Ижтимоий фикр" ("Общественное мнение") махсус руқни ташкил этилишини таъминласин.

5. 2019-2020 йилларда "Ижтимоий фикр" республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказини ускуналар, техника ва бошқа воситалар билан жиҳозлаш дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги "Ижтимоий фикр" марказининг асосланган ҳисоб-китобларига кўра унинг моддий-техника базасини яхшилаш учун зарур бўлган ускуналар, техника ва бошқа воситаларни, шунингдек, ушбу Дастурда келтирилган хорижий илмий ва махсус адабиётларни харид қилишга маблағ ажратилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги икки ой муддатда Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда:

"Ижтимоий фикр" марказини зарур алоқа воситалари, жумладан, ҳуқумат алоқаси билан, интернетга кенг поласали уланишини таъминласин ҳамда хорижий экспертларни жалб этган ҳолда видео анжуманлар, интернет-форумлар ва телекўприкларни ўтказишда зарур техник ёрдам кўрсатсин;

"Ижтимоий фикр" марказига телефон ва интернет тармоғи орқали ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва мамлакатимиз ҳаётининг бошқа йўналишларига доир долзарб жорий масалалар юзасидан аҳоли ўртасида блиц-сўров ўтказиш учун сай-марказини ташкил этишда амалий ва техник ёрдам кўрсатсин;

"Ижтимоий фикр" марказининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни мониторинг ва таҳлил қилиш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси", "Кўнгирокларни қайта ишлаш маркази" (телефон рақамлари 10-00, (0800) 210-00-00) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналарининг ахборот тизимлари фаолиятига доир статистик ва бошқа ахборотлардан фойдаланишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хорижий тадқиқот марказлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишда, замонавий усул ва ёндашувлар асосида социологик сўровлар ўтказишни ташкиллаштириш кўникмаларини ошириш мақсадида уларнинг малакали

мутахассисларини жалб этишда "Ижтимоий фикр" марказига кўмаклашсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб "Ижтимоий фикр" марказининг бюротномаолирига кўра республикадаги олий таълим муассасалари талабалари тегишли таълим йўналишлари бўйича ишлаб чиқариш амалиётидан ўтиш учун мазкур Марказга мунтазам юборилишини таъминласин;

республикадаги тегишли олий таълим муассасалари билан биргаликда икки ой муддатда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб социология ва социологик тадқиқотлар кафедраларини очиб чоралари кўрилишини таъминласин.

9. "Ижтимоий фикр" маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва "Тараққиёт стратегияси" марказининг Ўзбекистон социологлар ассоциациясини ташкил этиш ҳамда кўйидагиларни унинг асосий вазифалари этиб белгилаш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин:

ўз аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини идорадалаш ва ҳимоя қилиш;

илмий тадқиқотлар, ижтимоий мезонлар методологиясини такомиллаштириш бўйича ишларда, мамлакатимиз социология ҳамжамиятининг интеллектуал ва илмий-техник салоҳиятини юксалтиришда иштирок этиш, шу жумладан, ижтимоий тахрирлар ўтказиш бўйича тақлифлар киритиш;

Ўзбекистонда ва хорижда демографик жараёнларни ўрганиш ва таҳлил қилишга кўмаклашиш;

социологлар ва бошқа ходимларнинг малакасини ошириш; олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларига социология фанидаги энг янги ютуқларни ва социологик тадқиқотлар ўтказишнинг инновацион ёндашувларини жорий этиш бўйича улар билан ҳамкорлик қилиш;

халқаро ва хорижий социологлар ассоциациялари билан ҳамкорлик қилиш, сифатли социологик ишларни, шу жумладан, хорижда ўтказиш мақсадида консорциум ташкил этиш;

Халқаро социологлар ассоциациясига аъзо бўлиш, бутун жаҳон социологик конгресслар ва форумларда иштирок этиш.

10. "Ижтимоий фикр" маркази: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, молия, иқтисодиёт ва саноат, бандлик ва меҳнат муносабатлари, ички ишлар вазирлиқлари, Давлат солиқ кўмитаси, Давлат бошқаруви кўмитаси, Бош прокуратураси, Олий суди, бошқа вазирлик ва идораларнинг статистик ахбороти;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази бюллетенлари ва кундалик маълумотлари тўғрисида; хорижий матбуот шарҳлари ва илмий-тадқиқот институтлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти,

Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солиқ тадқиқотлари институтининг ижтимоий-иқтисодий соҳага оид таҳлилий маърузалари мажбурий жўнатиладиган реестрга киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги 2020 ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантиришда "Ижтимоий фикр" марказининг асосланган ҳисоб-китобларига кўра Марказ ва ташкил этиладиган Ўзбекистон социологлар ассоциацияси биноларида таъмирлаш-тиклаш ишлари ва уларни техник ўқитиш воситалари билан жиҳозлаш бўйича лоийҳалар киритилишини белгиланган тартибда назарда тутсин.

12. Кўйидагиларга:

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси вазифасини бажарувчи А. Ж. Хаджаев ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А. К. Кўчимовга — социологик сўровлар натижаларининг оммавий ахборот воситалари, марказий давлат телеканаллари ва босма нашрларда мунтазам ёритиб борилиши учун;

вазирликлар, идоралар, бошқа давлат органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларига — "Ижтимоий фикр" марказига унинг вазифаларини самарали амалга оширишда ҳар томонлама ва тўлиқ кўмаклашиш учун шахсан жавобгар экани кўрсатиб ўтилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"ги ПФ-1791-сонли Фармонининг 2.1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

бир ой муддатда "Ижтимоий фикр" марказини мазкур Фармонга мувофиқ унинг номи ўзгартirilганини ва устувор вазифалари белгиланган олинганлиги ҳисобга олган ҳолда қайта рўйхатдан ўтказсин;

ташкил этилаётган Ўзбекистон социологлар ассоциациясини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин, устави органларини шакллантиришда унга ҳар томонлама кўмаклашсин;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Р. С. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 22 февраль

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ «БИЗНЕС ЮРИТИШ» ЙИЛЛИК РЕЙТИНГИДАГИ ЎРНИ ЯНАДА КЎТАРИЛАДИ

Мажлис кун тартибига киритилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги қонун лойиҳаси айнан шу масалага қаратилган, мамлакатимизнинг бизнес юритиш борасидаги имиджини янада яхшилашга хизмат қилиши тўғрисида депутатларнинг кизгин баҳс-мунозарасига сабаб бўлди.

Кайд этилгандек, лойиҳада "Бизнес юритиш" ҳисоботи методологиясида қулай тадбиркорлик муҳитини яратишга қаратилган талабларни қонун ҳужжатларига киритиш назарда тутилган. Яъни қонун лойиҳаси билан киритилаётган ўзгаришларга мувофиқ, эндиликда юридик шахсларнинг кўчмас мулкни сотиш тўғрисидаги шартномасини нотариал тасдиқлашнинг мажбурий тартибини ҳамда акциядорлик ва масъулият

ти чекланган жамиятларнинг устав капиталининг минимал қиймати қўйилган талабларни бекор қилиш ва устав капиталининг энг кам миқдорига оид талабларни лицензия талаблари билан белгилашга доир нормалар киритилмоқда. Шунингдек, акциядорлик жамиятлари устав капиталдаги чет эллик инвесторнинг улуши камида 15 фоизни ташкил этиши кераклиги тўғрисидаги талабни ҳам бекор қилиш кўзда тутилмоқда. Акциядорлик жамиятлари томонидан қўшимча акциялар чиқарилишида акциядорларга ўларнинг улушларини сақлаб қолишлари учун имтиёзли ҳуқуқ бериш, акциядорлик жамиятлари томонидан аудиторлик текширувини албатта ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ваколатини фақатгина акциядорлар умумий йиғилишига бериш назарда тутиляпти.

Депутатларнинг фикрича, мазкур қонуннинг қабул қилиниши корхона

налардаги корпоратив бошқарувини яхшилаш, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун қулай шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади.

Шундан сўнг депутатлар "Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларининг Парламентлараро Ассамблеяси тўғрисидаги Конвенцияни (Минск, 1995 йил 26 май) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Кайд этилгандек, МДХ Парламентлараро Ассамблеяси умумий манфаатларга тааллуқли ҳужжатларнинг лойиҳаларини кўриб чиқиш ва масалаларни муҳокама қилиш мақсадида 1992 йил 27 мартдаги МДХ иштирокчи давлатларининг Парламентлараро Ассамблеяси тўғрисидаги Келишувига мувофиқ маслаҳат институти сифатида ташкил этилган.

МДХ Парламентлараро Ассамблеясининг мустақил давлатлараро ташкилот сифатидаги мақоми 1995 йил 26 майдаги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларининг Парламентлараро Ассамблеяси тўғрисидаги Конвенция асосан, МДХ давлат раҳбарларининг Минск (Беларусь) Республикаси мажлисида тўлиқ белгилаб қилинган. 1996 йил 16 январдан кучга кирган мазкур Конвенцияга МДХ иштирокчи давлатларининг барчаси аъзо ҳисобланган. МДХ ПА фаолиятда иштирок этаётган барча давлатлар мазкур ҳужжатни ратификация қилган.

Депутатларнинг нуқтаи назарига кўра, Ўзбекистоннинг мазкур тизимда иштирок этиши МДХ иштирокчи давлатларининг миллий қонунчилигини яқинлаштиришга қаратилган ҳамкорлигини янада ривожлантиради ва уни муваффақиятли амалга ошириш учун тегишли механизмларни яратишга

хизмат қилади. Шунингдек, мамлакатимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятини хабардор этиб боришда муҳим омил бўлади. Энг муҳими, парламентлар даражасида мунтазам алоқалар ўрнатиш ва хорижий шериклар билан самарали муносабатларни конструктив ривожлантиришда, мамлакатимизнинг миллий манфаатларини илгартиришга қаратилган муносабатларни фаоллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мажлисида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

Меҳнат ҳуқуқларига оид халқаро конвенция ратификацияси

Олий Мажлис Сенати Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси ишчи гуруҳининг "Халқаро меҳнат ташкилотининг Халқаро меҳнат нормалари қўлланилишига кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисидаги 144-сон конвенциясини (Женева, 1976 йил 21 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур Қонун Олий Мажлис Сенати ўн саккизинчи ялпи мажлисининг кун тартибига киритилган.

Қонуннинг асосий мақсади Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) 1976 йилдаги Бош Конференциясида қабул қилинган Халқаро меҳнат нормалари қўлланилишига кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисидаги 144-сон конвенциясини ратификация қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида ходимлар, иш берувчилар ва ҳукумат вакиллик органлари ўртасидаги уч томонлама маслаҳатлашувлар механизмининг ҳуқуқий асослари 2014 йилда қабул қилинган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонунда белгиланган. Иш берувчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ихтиёрий аъзолик тамойиллари асосида ҳимоя қилиш мақсадида

2018 йилда Ўзбекистон иш берувчилари конфедерацияси нодавлат нотижорат ташкилоти ташкил этилди. Қонун билан соҳадаги давлат ва нодавлат тармоқнинг ишини янада кучайтириш ҳамда мувофиқлаштириш назарда тутиляпти.

Конвенцияни 139 та давлат, шу жумладан, Арманистон, Беларусь, Озарбайжон, Россия, Тожикистон, Қирғизистон, Қозғистон каби МДХ давлатлари ратификация қилган.

Муҳокама жараёнида ишчи гуруҳ аъзолари томонидан тегишли фикр ва тақлифлар билдирилди.

Зокир Худойшукуров («Халқ сўзи»).

Хорижий сармоя жозибadorлигини таъминлашда комплекс ёндашув зарур

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси томонидан Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда инвестиция ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари С. Бекеновнинг 2017-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиги соҳасига қиритилган тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ҳолати тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Шунингдек, тадбирда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисига Мурожаатномасида белгилаб берилган муҳим вазифалар, ҳусусан, қишлоқ ҳўжалиги соҳаси бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, 2017-2018 йилларда қишлоқ ҳўжалиги соҳасига киритилган тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестиция лойиҳаларининг белгиланган муддатларда амалга оширилиши ҳамда 2019 йилдаги режалар атрофида муҳокама қилинди.

Кайд этилгандек, юртимизда қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришида таркибий ислохотлар янада чуқурлаштириш ва бунда давлатнинг ролини қисқарттиришга алоҳида эътибор

қаратилаётгани ўз самарасини берапти.

Депутатлар эшитувда республикада хорижий ва маҳаллий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришда самарали усулларни жорий этиш, уларни чуқур қайта ишлаш, экспортга маҳсулот чиқараётган, юқори технология ишлаб чиқаришларни ташкил қилган қишлоқ ҳўжалиги бизнес субъектлари ва тадбиркорларга берилаётган қўшимча имтиёз ҳамда преференцияларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш масалаларига вазирлик эътиборини қаратади.

Айниқса, кўмита аъзолари хо-

рижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатнинг инвестиция салоҳиятини жаҳон бизнес ҳамжамиятига тўла намоён этишга қаратилган, сармоя киритишга интиладиган инвесторлар учун худуд ва тармоқлар бўйича инвестиция лойиҳаларини шакллантиришда ягона, комплекс ёндашувларни белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлашди.

Депутатлар вазирлик фаолиятини замон талабларидан келиб чиқиб кескин жонлантириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибadorлигини янада оширишга оид фикр-мулоҳаза ва амалий тақлифларни билдирди.

Яқунда соҳага оид амалдаги қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш ҳамда мазкур йўналишдаги ишлар юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Ҳоким депутатлардан кўмак сўради

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси раҳбари Улуғбек Эгамбердиевнинг маълум қилишича, 2019 йилда пойтахтдаги 12 та соғлиқни сақлаш муассасасида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди ва бу мақсадлар учун 109 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Шунингдек, тез тиббий ёрдам хизмати учун 6 та замонавий махсус транспорт воситаси ажратилиши назарда тутиляпти.

Соҳа ривож ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш мақсадида ажратилаётган маблағлар эф. эмас. Уларнинг ўз урнида сарфланиши, қурилиш-таъмирлаш ишлари самарали ва сифатли бажарилиши устидан ким назорат олиб боради?

Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича Комиссия томонидан қатор мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида Харакатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларида белгиланган вазифалар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида ўтказилган семинарда шу савол ўртага ташланди.

Тадбирда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, шаҳар ҳокимлиги, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари иштирок этди.

— Ажратилаётган маблағлар тўлақонли ишлатилиши ва халқ бунди ўз ҳаётида хис қилиши учун, аввало, депутатларимиз янада эътиборли ва масъулиятли бўлиши керак, — дейди Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаев. — Ўтган йилда шаҳримизда қурилган бир неча объектлар билан танишганимда, ажратилган маблағдан анча кам сўмга сарфланганига гувоҳ бўлганман. Қурилиш лойиҳаларининг муҳамал ишлаб чиқиши, ҳар бир жиҳат тўла йонатган олиниши муҳим. Бу йилги Давлат дастурда Тошкент шаҳри учун берилаётган маблағ миқдори жуда катта. Депутатлар бу жараёни тўлиқ

ўз назоратига олсалар, биз учун ёрдам булар эди. Чунки қурилиш учун сарфланаётган маблағ давлатнинг, халқнинг пули. Пойтахт тиббиётини ривожлантириш мақсадида яна 32 та янги ҳусусий тиббий марказ қурилиши ҳамда 26 тасининг фаолиятини янада кенгайтириш белгиланган.

Анжуманда депутатлар эътибори яна бир жиҳат, яъни шаҳарда тоза ичимлик суви таъминоти масаласига қаратилди. Маълум бўлишича, пойтахт аҳолиси 100 фоиз тоза ичимлик суви билан таъминланмаган. Айниқса, шаҳарнинг Бектемир туманида муайян муаммолар бор. Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Раҳмонқулвнинг ахборотига кўра, бу йилги Давлат дастурига мазкур масала билан боғлиқ аниқ чоралар ҳам кўзда тутилган.

Масала муҳокамаси жараёнида Тошкент шаҳар ҳокими йил якунигача шаҳарда тоза ичимлик суви билан таъминланган худуд қолмаслигини ва бунинг учун барча имконият ишга солинишини таъкидлаб ўтди.

Семинарда ижтимоий соҳадаги бошқа

QISHLOQQURILISHBANK

Бугун юртимиз молия муассасаларининг иқтисодий ислохлардаги иштироки кенг. Айниқса, ҳудудларнинг инвестициявий салоҳияти юксалиши, аҳолига кўрсатилаётган молиявий хизматлар сифати янада яхшиланиши, уларнинг бўш пул маблағлари омонатларга жалб қилиниши каби долзарб вазифалар ижросида тижорат банклари фаоллиги кўзга яққол ташланмоқда.

Ҳўш, бунда акциядорлик тижорат "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Хоразм минтақавий филиали ҳиссаси қандай? Ушбу молия муассасаси ўз фаолият йўналишидан келиб чиққан ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, истиқболли лойиҳаларни кредитлаш жараёнида қай даражада ибрат кўрсатаётир?

Ана шу саволлар жавобини қуйидаги маълумотлардан топамиз:

Утган йили банк филиали томонидан 21 лойиҳага 10 миллиард 792 миллион сўм ва 4 миллион 930 минг АҚШ доллари миқдорда кредитлар ажратилди. Маблағлар, асосан, хориждан юқори технологияларни харид қилиш, туризм, тиббиёт, аграр тармоқда инновацияларни жорий этишга йўналтирилмоқда.

Муваффақиятлар омили эса аён: "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойили асосида иш юритилапти. Банк ва мижоз ўртасидаги ўзаро ишонч ҳамда ҳамкорлик мустақамлашни бормоқда. Натижада вилоят иқтисодиёти ривожига учун муҳим аҳамият касб этувчи лойиҳаларни



амалиётга жорий қилиш имкониятлари кенгайтириб бораётир.

«Unimed Consult» МЧЖ: ХИНДИСТОНДА ДАВОЛАНИШ ИСТАГИДАГИЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИЛАДИ

Қадим цивилизация бешикларидан бўлган Ўзбекистон ҳамда Ҳиндистон ўртасидаги дўстона алоқалар барча соҳада кенг қўлам касб этаётир. Жумладан, тиббиёт йўналишидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Юртимиз шифокорлари ушбу мамлакатда билим ва малакасини ошириб қайтапти. Ҳинд мутахассислари ҳам Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида бўлиб ўтаётган турли конференциялар, анжуманлар, маҳорат дарсларида мунтазам иштирок этаётир.



Осиё қитъасида 71 йirik халқаро клиникага эга "Apollo Hospitals" тиббиёт компанияси мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими билан қарийб ўн йилдан буён ҳамкорлик қилиб келади. Компаниянинг тахрибали шифокорлари аҳолига бепул консултациялар ташкил этмоқда. Шу кунга қадар клиника мутахассислари мингдан ортиқ ўзбекистонлик беморларни мураккаб диагностика текширувларидан ўтказиб, уларга тўри ташхис қўйиш ва даволашга ёрдам кўрсатган.

— Ҳиндистонда мавжуд тиббиёт масканларининг барчаси ҳам халқаро аккредитацияга (JCI) эга эмас, — дейди "Apollo Hospitals" тиббиёт компанияси халқаро алоқалар бўлими бошлиғи доктор Мунир Аҳмад.



— Бу беморларга кўрсатилаётган хизмат сифати ҳамма муассасаларда ҳам юқори даражада эмаслигини билдириди. Сўнгги вақтларда Марказий Осиёдан Ҳиндистонга бориб даволанаётган беморлар сонини ортиб бормоқда. Муложага учун келган ҳар бир бемор сифатли ва малакали тиббий хизматдан фойдаланишга ҳақли. Шу боис Тошкентда беморларга зарур кўрсатмалар берадиган марказ ташкил этилди.

Ушбу расмий ахборот маркази — "Unimed Consult" масъулияти чекланган жамияти кўп йиллик тажриба ва юқори малакали мутахассислардан иборат жамоага эга. Марказ Ўзбекистондан Ҳиндистонга бораётган беморларга ташиқили масалалар-тириш бўйича қатор хизматларни амалга ошириб келмоқда. Бу эса беморларнинг ҳинд диверда хавфсиз ва беҳавотир бўлишига, "Apollo Hospitals" тиббиёт компанияси клиникаларида етарли шифо топиларида муҳим аҳамият касб этаётир.

Келгусида беморлар хорижга чиқмай муолажа олади

— Ана шундай эзгу мақсад йўлида қатор ишларни амалга оширишимиз, — дейди доктор Мунир Аҳмад. — Зеро, ҳақон ҳамжамиятига тобора интеграциялашаётган Ўзбекистонда бу борада барча шарт-шароит мўжайё. Дарҳақиқат, компания томонидан "Unimed Consult" масъулияти чекланган жамияти кўмағида Тошкент шаҳрида барпо этилаётган янги ва замонавий талабларга жавоб берадиган клиникаларда турли йўналишлардаги жарроҳлик амалиётларини йўлга қўйиш режалаштирилган. Яқин келажда юртдошларимиз юрак, буйрак ва бошқа ички аъзолар билан боғлиқ тиббий муолажалар учун хорижга, хусусан, Ҳиндистонга боришлари шарт бўлмайди. Чунки беморлар учун барча имконият шу ернинг ўзида — Ўзбекистонда яратилди. Бу эса ҳаётларимиз учун икки хисса фойдали: аввало, мамлакатимизнинг ўзида даволанади, иккинчидан, ортиқча харажатларга ўрин қолмайди. Шунингдек, ушбу замонавий клиникаларда юртимиз хиндистонлик малакали мутахассислар билан билим ва тажриба алмашиш имконияти пайдо бўлади. Ҳозирги кунда ушбу лойиҳалар устида музокара оlib борилмоқда. Ҳиндистонда даволанишнинг режалаштирилган беморлар вақолати ва расмий ахборот марказларига мурожаат этишлари мақсадга мувофиқ, зеро, тўри танланган клиника ва мутахассислар, даволаш муолажалари соғлиқни тиклашда энг муҳим омилдир.

Агар сизда ушбу жараён билан боғлиқ саволлар туғилса, қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин:

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Кичик ҳалқа йўли-31. Мўлжал: Республика шошилик тиббий ёрдам илмий маркази рўпарасида. Тел.: (94) 667-66-66, (71) 279-66-69. Дилшод КАРИМОВ тайёрлади.

Хизматлар лицензияланган.

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Ажратилган маблағлардан қай даражада оқилона фойдаланилаётгани ҳамда бунинг амалий натижаларини айнан молия муассасаси филиали кўмағида экспортга махсулот чиқаришга эришган банк мижозларининг дил сузларидан ҳам англаш қийин эмас.

Илбсбек ҲИҚИМЕТОВ, «Богот қишлоқ қурилиш ўткир сервис» МЧЖ раҳбари:

— Мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити биз, тадбиркорлар учун айна мудоа. Ахир ишбилармонлар сафи қанчалик кенгайса, иқтисодиётимиз ҳам шунчалик тез ривожланади. Бизнес-режангиз пухта, тузган лойиҳангиз истиқболли бўлгани, албатта, катта ютуқ. Аммо уларни амалиётга татбиқ этиш учун, аввало, сармоя керак. Айни шу ўринда тижорат банклари — таъинимиз, мадакоримиз! Муҳими, молиявий кўмак нафақат ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш, балки ҳақон бозорига чиқишимизга ҳам имкон бермоқда.

Сир эмас, ҳозирги кунда ички бозорда ҳам, ташқи бозорда ҳам юқори сифатли, экологик тоза махсулотларга талаб катта. Уларни эса замонавий технологияларсиз тайёрлаш имконсиз. Энг илғор дастохларни харид қилишни биргина тадбиркорнинг ҳамёни кўтармайди. Шу боис, бизнесрежа тузиб "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Хоразм минтақавий филиалига мурожаат этидик. Лойиҳамизнинг биринчи босқичида 540 минг АҚШ доллари миқдорда кредит олиб, 1 гектар майдонда иссиқхона ва томат пастаси ишлаб чиқариш цехи ташкил этидик. Иккинчи босқичда мазкур банк муассасасининг 624,88 минг долларлик кредити ҳисобига 1,3 гектар майдонда замонавий иссиқхона мажмуасини ишга тушириб, бодринг етиштиришни йўлга қўйдик. Учинчи

босқич рўёби ҳам кўп куттирмади. Корхонамизга иссиқхона қуриш учун қўшимча 2 гектар ер майдони ва 750 минг АҚШ доллари миқдорда банк кредити ажратилди. Натижада иссиқхоналаримиз сони учтага, умумий майдони 4,3 гектарга етди. Жалб қилинган банк кредитлари ҳажми эса 1,9 миллион доллардан ошди. Ҳозирги кунда "ойнаванд дала"ларимизда ўртача ҳосилдорлик гектарига 50 центнерни ташкил этмоқда. Еттириллаётган махсулотнинг 70 фоизини экспорт қилишни мўлжаллаямыз. Бу эса ўрта ҳисобда 1,6 миллион АҚШ доллари миқдорда валюта тушумини таъминлайди. Маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга йилга бир миллиард сўмга яқин солиқ ва мажбурий ажратмалар тўлаш орқали туманимиз иқтисодиётига ҳам ўз ҳиссамизни қўшямыз. Энг муҳими, корхонамиз иш бошлаши билан юзга яқин кишилар, айниқса, хотин-қизлар доимий иш ўрнига эга бўлди. Ушбу банк билан ҳамкорликда келгусида ана қўллаб-қувватланаётган лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамыз.

Нигора РЎЗМЕТОВА, «Хоразм авто лад» МЧЖ раҳбари:

— Ҳозирги кунда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида нафақат давлат, балки хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Биз ҳам шу мақсадда замонавий клиника ташкил қилишни режалаштириб, ўз маблағимиз ҳисобига барча қулайликка эга бино барпо этидик.

Муассасамиз учун зарур тиббий жиҳозлар ва ускуналар сотиб олиш мақсадида "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Хоразм минтақавий филиалига кредит сўраб мурожаат этидик. Қисқа муддатда ажратилган

қилинган "2017 — 2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарор мазкур йўналишдаги ишлар самарадор-



1,3 миллиард сўм миқдордаги маблағ зарур тиббий ускуналарни келтириб ўрнатиш ҳамда клиникамизни ишга туширишда кўл келди. Ҳозирги кунда муассасамизда 22 нафар малакали шифокор ва ўрта тиббиёт ходими томонидан беморларни амбулатор даволаш ҳамда жарроҳлик муолажалари амалга оширилмоқда. Лойиҳа бўйича аҳолига тиббий хизмат кўрсатишдан 3 йилда 2 миллиард 826 миллион сўмлик даромад олиш кўзда тутилган. Иқтисодий кўрсаткичлар ўз йўлига, муҳими — халқимиз саломадлиги. Фаолиятимиз банк томонидан қўллаб-қувватланаётгани, асосийси, лойиҳамизнинг эл-юртга нафи тегаетганидан хурсандмыз.

Алишер АЛЛАБЕРГАНОВ, «Urganch palas» МЧЖ раҳбари:

— Президентимиз томонидан 2017 йилнинг 4 май куни қабул

лигини оширишда муҳим омили бўлди. Ушбу ҳужжатдан туризм инфратузилмаси, жумладан, замонавий меҳмонхоналар тизimini ривожлантириш, сайёҳларга хизмат кўрсатадиган ишшоотлар моддий-техника базасини мустақамлашга қаратилган қатор лойиҳалар ўрин олган. Айни кунда улар ижроси доирасида кенг


Хулоса ўрнида айтиш жоизки, "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан олиб борилаётган пухта кредит сиёсати ҳудудда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, янги иш ўринлари ташкил қилиш, экспорт имкониятларини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий — Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йиллида банк минтақавий филиали томонидан ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтириладиган кредитлар салмоғи янада ортади. Бу эса ана қўллаб-қувватланаётган лойиҳалар муваффақиятидан далолатдир.

АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Ахборот хизмати кўмағида О. ОДАМБОЕВ тайёрлади.

Хизматлар лицензияланган.

Самарқанд томонларда

Кузатув камералари хавфсизликка хизмат қилади



Самарқанд шаҳрида "Хавфсиз шаҳар" концепцияси доирасида ижтимоий объектларни ягона ахборот маконига бириктириш мақсадида 97 та мактабгача таълим муассасаси, 76 та умумтаълим мактаби, 7 та академик лицей, 29 та коллеж ва 8 та олий ўқув юрти кузатув камералари билан таъминланди. Камералар асосий кириш эшикларини ҳамда бино олдига ўрнатилиб, барчаси вилоят ички ишлар бошқармасининг ситуацион марказига боғланди.

Тадбиркорлар куни белгиланди

Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармасида вилоят ҳокимлиги томонидан ҳафтанинг ҳар жума куни тадбиркорлар қабули ўтказилади. Қабул давомида бизнес вакиллари мурожаати асосида мутасаддиларга вазифалар берилиб, унинг ижроси вилоят ҳокимлиги томонидан назорат қилиниши белгилаб олинди.

Энди театрларнинг автобуси бор

Ҳокимлик ташаббуси билан вилоят мусиқали драма, кўғирчоқ, рус драма ҳамда Каттакўрган шаҳар драма театрларига автобуслар берилди.

Умид СОРИЕВ («Халқ сўзи»).

ЭЪЛОН

Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти

2018/2019 ўқув йилига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистентлар бўйича танлов эълон қилади.

Автомобиль йўллари ва сунъий ишшоотлар факультети бўйича:

- Автомобиль йўлларини қидирув ва лойиҳалаш кафедраси: доцент, катта ўқитувчи;
- Автомобиль йўлларини қуриш ва эксплуатация қилиш кафедраси: катта ўқитувчи;
- Кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказкичлари кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент;
- Ижтимоий фанлар кафедраси: катта ўқитувчи;
- Математика кафедраси: доцент, катта ўқитувчи;
- Табиий фанлар кафедраси: доцент;
- Мухандислик графикаси ва ахборот технологиялари кафедраси: ассистент.

Йўл-қурилиш машиналари ва автомобиль транспорти эксплуатацияси факультети бўйича:

- Йўл-қурилиш машиналари ва жиҳозлари кафедраси: катта ўқитувчи;
- Автомобиль транспорти эксплуатацияси кафедраси: катта ўқитувчи;
- Экология ва ички ёнғун двигателлари кафедраси: профессор;
- Транспорт логистикаси кафедраси: доцент;
- Тиллар кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи, ўқитувчи.

Танловда қатнашиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар:

- ректор номига ариза;
- кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
- маълумотнома (объективка);
- диплом ва аттестатлар, илмий даражаси ҳамда илмий унвони нусхалари;
- малака оширилганлик тўғрисида гувоҳномалар нусхалари;
- илмий ишлар ва иختиролар рўйхати;
- паспорт нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.

Элатма: мазкур институтода ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот берадилар.

Танловда қатнашувчилар синов дарслари ўтказиладилар.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур شوҳқўчаси, 20-уй, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти, ходимлар бўлими, 302-хона. Телефон: 71-232-15-29.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 69 233 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўллаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўлаб-қўйилган тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термал ҳамда оператор Ж. Тоғаяв томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфия жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" навириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри,

Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.

Навбатчи — Д. Содиқов.

Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" навириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.15 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6